ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ: ОҚИБАТ ВА ЕЧИМЛАР

М.М.ХАЙИТОВ, Т.Т.МАДУМАРОВ

Мақолада ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш натижасида юзага келадиган моддий ва маънавий оқибатлар ҳақида фикр юритилган. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *оила ҳуқуқи, ота-оналик ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, юридик жавобгарлик, вояга етмаганлар.*

Статья посвящена изучению моральных и материальных последствий лишения родительских прав. Разработаны конкретные рекомендации, направленные на предотвращение и профилактику данных правонарушений в жизни общества.

Ключевые слова: *семейное право, право родителей, права детей, лишение родительских прав, юридическая ответственность, несовершеннолетний.*

This article covers issues such as depriving of parental rights, it's consequences and solutions. The study of consequences of deprivation of parental rights by dividing it into two parts, material and spiritual, as proposed by the author, and issues like a negative effect of factors resulted from annulment on children improves the scientific importance of the subject.

Key words: *family rights, parental rights, children's rights, deprivation of parental rights, legal responsibility, adolescence.*

Мамлакатимизда азал-азалдан болаларнинг руҳий, ақлий ва жисмоний тарбиясига аҳамият берилиб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинган. Мустақиллик йилларида ҳам ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш мақсадида барча зарур шароитлар яратилмоқда. Албатта, миллатимиз келажаги бўлган фарзандларимизнинг руҳий дунёси, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом ва баркамол инсон бўлиши учун мунтазам қайғуришимиз лозим. Бундай муҳим вазифалар, аввало, жамиятимизнинг бошланғич бўғини ҳисобланган оилада амалга оширилиши унга бўлган эътиборни янада кучайтиришни, оила билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни мунтазам тадқиқ этишни талаб этади.

Оилада ота-она ҳамда болалар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг оқилона тартиби ва нисбатини сақлаш, ота-оналарнинг болалар тарбиясини юксак инсоний фазилатлар асосида амалга оширишларига эришиш, оилада болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш жамият тараққиётининг ҳар бир даврида долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Албатта, атрофимизда нотинч, носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган, "ота-она–фарзанд" муносабатларидаги энг зарур тамойиллар ҳам бузилаётган оилаларнинг мавжудлиги мазкур муаммони илмий тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради. Юртбошимиз И.А.Каримов оиланинг ёш авлод тарбиясида нечоғли аҳамиятли эканлигидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: "Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг қизиқиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганлигига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, вақти соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолойиқ, хунук бир одат сифатида намоён бўлади" [1.53-54].

Ота-оналарнинг болаларга нисбатан ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортишлари, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилишлари, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиб, жисмоний куч ишлатишлари ёки руҳий таъсир кўрсатишлари, ўз болаларининг ҳаёти ва соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этишлари, бир сўз билан айтганда, боланинг оиладаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминламасликлари каби муаммолар оила ҳуқуқида ушбу масалаларни қамраб олувчи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ муносабатлар доирасида ўрганилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан

боғлиқ муносабатларнинг жамиятдаги ижроси натижасида юзага келадиган оқибатларни шартли равишда икки турга, яъни моддий ва маънавий оқибатларга ажратиб олиш лозим. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг моддий оқибатлари ушбу жазо чораси қўлланилганидан кейин юзага келадиган мулкий муносабатларни, мерос ва алимент, шунингдек, айрим юридик жавобгарлик масалаларини ўз ичига олади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг қўлланилишидан келиб чиқадиган маънавий-руҳий оқибатлар ҳар икки томонга, яъни ота-она ёхуд улардан бири ҳамда ота-оналари ўз ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган болаларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўлланилганидан сўнг ота-оналар ҳамда болаларнинг руҳий ҳолатлари турлича кечиши мумкин. Энг аввало, мазкур юридик жавобгарлик ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларга таъсир этади, жумладан, ота-она айни вақтда фарзанди билан яшаши қонун билан таъқиқланган ҳоллар бунинг ёрқин мисолидир.

Ота-оналар ажралишининг болаларга ўтказадиган салбий таъсирини баҳолаш жуда қийин. Ажралиш олдидан ота-оналар ўртасидаги тортишувнинг қанчалик кучли эканлигига, болаларнинг ёшига, уларнинг акалари ва опалари, бувилари ёки бошқа қариндошларининг борлигига, уларнинг ҳар бирининг ажралган ота-онага бўлган муносабатларига, ҳар икки ота-онани тез-тез кўриб туриш имкониятининг бор ёки йўқлигига кўп нарса боғлиқ. Булар ва бошқа кўпгина омиллар кўникиш жараёнига таъсир кўрсатади. Ажралиш ҳолатларининг салбий оқибатлари болалар учун ниҳоятда оғир кечиши мумкин [2.445].

Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш чорасининг қўлланишига олиб келадиган сабабларнинг негизида ота-онанинг болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада эътибор қаратмаслиги, бир сўз билан айтганда, назоратсизлик ётади. Шунинг учун ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга олиб келувчи асослар орасида, энг аввало, болаларнинг назоратсизлиги хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Кейинги даврда жамиятимизда болалар ҳуқуқбузарлиги, болалар жиноятчилиги, уларнинг олдини олиш тўғрисидаги масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур салбий ҳолатлар асосан назоратсизлик, яъни болаларга нисбатан ота-оналар ҳамда таълим муассасалари назоратининг бўшлиги, уларнинг бекор юришлари, ўқишдан бўш вақтларида маънавий-маърифий, соғломлаштириш тадбирлари билан шуғулланмасликлари билан изоҳланади. Вояга етмаганларнинг ижтимоий тикланиши ва мослашуви бўйича мониторинг доирасида 2003 йилда Тошкент вилоятидаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган вояга етмаганлар орасида ўтказилган сўровнома 17-18 ёшли ўсмирларнинг кўпчилиги мажбурий дастлабки таълимни олмаганликларини аниқлаб берди. Сўралганлардан 70 фоиздан кўп ўқувчи фанларни ўзлаштирмаган, улар орасида ҳатто саводли ёзишни билмайдиган, тўғри санай олмайдиганлар бор [3.147]. Айрим мутахассислар вояга етмаганлар жиноят содир этишининг асосий сабабларидан бири сифатида ота-оналар ўртасида муттасил низолар ва жанжалларнинг мавжудлигини таъкидлайдилар [4.21]. Дарҳақиқат, оилада маънавий муҳитнинг ёмонлиги, катталар ўртасидаги тинимсиз келишмовчилик туфайли боланинг оиладан безиши, уйдан қочиши ҳоллари кўплаб қайд этилади.

Мутахассислар болалар назоратсизлиги хусусида бир қатор фикрларни билдиришган. Жумладан, вояга етмаган назоратсиз деганда, ота-онаси ёки қонуний вакиллари ёхуд мансабдор шахслар томонидан тарбияси, таълими ва боқувига доир мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги оқибатида хулқ-атвори устидан назорат қилинмай қолган вояга етмаган тушунилиши лозим [5.179].

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш органлари ва муассасалари вояга етмаганлар тарбияси, таълими ва боқуви бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган, хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатган ёхуд шафқатсизлик билан муомалада бўлган ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакилларига нисбатан якка тартибда профилактик ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, шунга қарамасдан, ҳали бу соҳада кўплаб муаммолар мавжудлигини статистик маълумотлар тасдиқлаб турибди. 2010 йилда вояга етмаганларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида Халқ таълими ва Ички ишлар вазирликлари, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий тузилмалари ҳамкорлигида 6889 нафар масъул ходимни жалб этган ҳолда маҳаллаларда “Ўқувчи рейди” ташкил этилган. Рейд натижасида 281 нафар аравакашлик, 304 нафар савдо-сотиқ, 118 нафар

дайдилик, 87 нафар тиланчилик, 215 нафар ўзбошимчалик, 72 нафар чиптачилик билан шуғулланувчи, жами 1153 нафар ўқишга бормасдан юрган вояга етмаганлар аниқланган [4.21].

Ота-она ҳамда болалар ўртасидаги муносабатлар ҳар бир даврда социологлар, психологлар, ҳуқуқшунослар, умуман олганда, оилавий муносабатларга алоқадор барча субъектларнинг доимий диққат марказида турган. Бу мураккаб ижтимоий муносабатларнинг барча қирралари мутахассислар, тадқиқотчлар томонидан доим ўрганилиб, таҳлил қилиниб келинган. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг салбий оқибатлари орасида боланинг ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилиши энг эътиборга молик масаладир. Олимларимиз томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра 47 фоиз вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ота-онанинг салбий таъсири ёки бефарқлигининг, 14,8 фоизи оилада ҳамжиҳатлик йўқлигининг, 38,3 фоизи отасизлик ёки онасизлик, 23,5 фоизи катталар лоқайдлигининг оқибатида юзага келган [6.143]. Республикамиздаги “Оила” илмий-амалий маркази ўтказган социологик тадқиқотга кўра, “Ёшларни жиноят йўлидан қайтариш учун қандай тадбир қўллаш лозим?” деган саволга респондентларнинг 22,2 фоизи ота-оналарнинг ҳуқуқий билимларини ошириш лозим, 21,1 фоизи оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини кучайтириш керак; “Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилишининг сабаби нимада?” деган саволга эса жавоб берувчиларнинг 50 фоизи ота-оналарнинг бефарқлигида деб жавоб берганлар [7.21-22].

Юқорида кўриб ўтилган масалалар асосида оиладаги муҳит, ота-она муносабатларининг болаларга, вояга етмаганларга таъсири хусусида асосли хулосалар қилишимиз мумкин. Бунинг учун атрофимиздаги ёшлар, вояга етмаганларни шартли равишда бир қатор гуруҳларга ажратиб оламиз, яъни:

– атрофидаги инсонларга, айниқса, катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлувчилар;

– ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўймайдиган, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда ўзгалар ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказишдан эҳтиёт бўлувчилар;

– ўз вақтини таълим олишга, жамият манфаатларига фойдали иш билан шуғулланишга бағишловчилар;

– ўзга шахслар, жамият ва давлат мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлувчилар;

– ахлоқсиз, ўзини атрофдагилардан юқори қўйиб, уларни камситувчилар;

– ўзгалар мулкини асраш, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ўрнига уларга кўз олайтирувчи ва зарар етказувчилар;

– танбеҳга, насиҳатга қулоқ тутмасдан ўз раъйига қараб иш тутувчилар;

– ўз фикрини айтишга, ўзини ҳимоя қилишга қўрқувчилар ва бошқалар.

Умумий тартибда вояга етмаганларни хулқ-атворига қараб ижобий ва салбий характерли инсонларга ажратишимиз мумкин. Аҳамиятлиси шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам оила деб аталмиш муқаддас масканда камол топади. Демак, атрофимиздаги вояга етмаганлар орасида турли салбий хатти-ҳаракатларнинг содир этилишига оилавий муҳит, шундай муҳит туғдирган, ўз мажбуриятларини бажармаётган, болаларга нисбатан шафқатсиз муомала қилиб жисмоний куч ишлатаётган ёки руҳий таъсир кўрсатаётган ота-оналар, масъул шахслар бевосита айбдор эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилган ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг оқибатларини бартараф қилиш долзарб вазифалардан биридир. Албатта, бу борада ушбу соҳанинг ҳар бир субъекти томонидан ўз ваколатлари доирасига кирувчи вазифаларни сидқидилдан ва ўз вақтида бажаришларига эришиш зарур, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– маҳаллаларда ичкиликбозлик, гиёҳвандликка ружуъ қўйганлар, оилавий турмушда мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчилар ва фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни аниқлаш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини кенгашида муҳокама қилиб, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш ишларини такомиллаштириш;

– фарзандларига нисбатан ота-оналик мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган ота-оналарни аниқлаш ва доимий назорат, профилактик тадбирларни, тушунтириш ишларини амалга ошириш;

– ота-оналик ҳуқуқларини суъистемол қилаётган, жумладан, фарзандларини ғайриқонуний ишларга буюраётган, тиланчиликка ундаётган, ўқишига тўсқинлик қилаётган ота-оналарни аниқлаш ва уларга нисбатан қонун доирасида қатъий чоралар кўриш;

– ўқув ва таълим муасасаларида маҳалла ва кенг жамоатчилик иштирокида таълим-тарбия жараёнига тегишли чора-тадбирларни белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳамкорлигини кучайтириб, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;

– ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шаклланти-

риш мақсадида ўқув ва таълим муассасаларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига оид қонун ҳужжатлари билан ёшларни кенгроқ таништириш;

– ҳар бир оилада бола ҳуқуқларига риоя этиш ва унинг муҳофазаси соҳасидаги давлат органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари юзасидан мониторинг ўтказиш тизимини яратиш ва ахборотлар тўплаб бориш, шунингдек, бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини таъсис этиш.

Хулоса қилиб айтганда, галдаги асосий вазифаларимиздан бири жамиятимизда носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган оилаларни, ўз мажбуриятларини бажармаётган, фарзандларига таълим-тарбия бермаётган ёки сусткашликка йўл қўяётган, болаларига шафқатсиз муомала кўрсатиб жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказаётган ота-оналарни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чораларни кечиктирмасдан кўрилишига эришиш, шу орқали ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг салбий оқибатларига барҳам беришдан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Энтони Гидденс. Социология. – Т.: Шарқ, 2002
3. Бобобеков А., Моторнюк Т. Омбудсман фаолияти: Вояга етмаганлар ҳуқуқига оид қонунчилик мониторинги асосий йўналишлардан биридир. Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати / Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
4. Шералиев Р. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасида маҳалланинг ўрни. // “Вояга етмаганларр ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011
5. Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. // Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
6. Норматов К. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг турлари ҳамда уларнинг олдини олиш масалалари. // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2008
7. Аҳлиддинов Р.Ш. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш: муаммо ва ечимлар. // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2008

Тошкент давлат юридик университети,
Андижон давлат университети
2013 йил 27 августда қабул қилинган
(Тақризчи: ю.ф.н. Р.Имомов)